2012 йил
Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 11-OKTABR, PAYSHANBA, 118 (8043)-SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



ЎзА сурати.

*Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида шотокан каратэ-до бўйича II жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази, Республика шотокан каратэ-до ассоциацияси ва Жаҳон шотокан каратэ-до федерацияси (WSKF) ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан 800 нафарга яқин спортчи иштирок этди. Шотокан каратэ-до бўйича жаҳон чемпионатлари ва жаҳон кубоги мусобақаларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб келаётган Ўзбекистон терма жамоаси ўз етакчилигини яна бир карра исботлади. Болалар, ўсмирлар, ёшлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида ката ва кумитэ бўйича мамлакатимиз спортчилари энг кўп — 33 олтин, 36 кумуш ва 44 бронза медаль жамғариб, бош совринни қўлга киритди.*

## САҲИФАЛАРДА:



ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ НАМОЙИШИ 2

СИФАТЛИ ХОМАШЁ, СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ, СИФАТЛИ ХИЗМАТ



3



«САҲРО КЕМАСИ» ёки «ЧЎЛ АПТЕКАСИ» 4

# ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ НАМОЙИШИ

## «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА «ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» II КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

**Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ахборот технологиялари ассоциацияси томонидан ташкил этилди. Кўргазмада марказий ва ҳудудий нашрларнинг раҳбарлари, матбаа корхоналари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари, жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.**



Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида эканини алоҳида таъкидлади. Матбуот соҳасида иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг юртимиз тараққиётида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислоҳотларнинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги жамият қуриш йўлида эришган ютуқларимизни холис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан миллий матбуот ва оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Соҳага оид қонун ҳужжатларининг давр руҳига ҳамоҳанг такомиллашиб бораётгани оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, соҳадаги демократик ислоҳотларни тобора чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, 1991 йилда мамлакатимизда фаолият юритган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 20 июнь ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 1292 тага етди. Уларнинг олтмиш фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани эътиборга моликдир.



Оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни ривожлантириш самарасида Ўзбекистонда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг икки юзга яқин мамлакатига қарийб ўттиз йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Юртимизда газета, журнал, ахборотнома-бюллетен, радио, телевидение, ахборот агентликлари, веб-сайтлар каби оммавий ахборот воситалари рўйхатга олинган. Соҳа ривожи йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик натижасида кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони икки баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса етти баробар ошди.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори медиа тузилмалар, нашриёт ва полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситаларини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислоҳ этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташкилий, моддий ва маънавий имкониятларни яратишга оид масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган. Бу соҳа ходимларидан масъулиятни, ижтимоий-маънавий бурчни астойдил ҳис этишни, Ватанимиз, халқимиз манфаатларининг том маънодаги ҳимоячилари бўлишни, янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимизга, кенг жамоатчиликка холисона, тезкор ва ишончли тарзда етказишни талаб этади.

"Ўзбекистон матбуоти" II кўргазмаси Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 14 январда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга оид фармойишига мувофиқ ахборот соҳасини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар мазмун-моҳияти билан кенгроқ таништириш ҳамда медиамаконда миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш мақсадида ташкил этилди. Мазкур анжуманларнинг муҳим вазифаларидан бири Ўзбекистонда фаолият юритаётган барча медиа ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш орқали миллий ахборот маконини жадал ривожлантириш, фуқаролик жамияти ривожига кўмаклашишдан иборат.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, соҳа вакилларининг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – деди «Қашқадарё» газетасининг бўлим муҳаррири Ботир Темиров. – Ижодий фаолиятимизда халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, юртимиз ва хориждаги воқеа-ҳодисалардан тезкор хабардор этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Кўргазмада мамлакатимизда фаолият юритаётган босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари, нашриётлар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Кўргазма доирасида ўтган форумда матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳасини янада ислоҳ қилиш, оммавий ахборот воситаларининг кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти, ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда мустақил электрон оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш каби мавзуларда маърузалар тингланди. Миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада тараққий эттиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мазкур тадбирлар доирасида "Йилнинг энг яхши китоби" кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*"Qishloq hayoti" мухбири*
*Рашид ГАЛИЕВ*
*олган суратлар.*

Самарқанд Вилояти

# МУЗЕЙГА ВИРТУАЛ САЁҲАТ

***Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек музейи ходимлари қизиқувчиларга унинг виртуал шаклини таклиф этмоқда.***




Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2010 йилда буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек номи билан аталувчи ушбу музей ва қадимий расадхона капитал реконструкция қилиниб, бу ерда кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, музей учун миллий меъморчилик анъаналари асосида янги бино қурилди ва замонавий ахборот технологиялари, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Музей экспозицияси бойитилиб, энг замонавий компьютерлар ўрнатилди. Интернетда эса мазкур маданият масканининг www.ulugbekobservatory.parusinfo.com. веб-сайти ташкил этилди.

– Буюк аллома ҳамда давлат арбобининг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш, у қурдирган расадхонани кўриш учун ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларидан келган минглаб сайёҳлар музейимизга ташриф буюради, – дейди Мирзо Улуғбек музейи директори Хонқул Самаров. – Айниқса, реконструкция ишлари ва интернетда веб-сайт очганимиздан сўнг бу ерга келадиган сайёҳлар сони яна ҳам кўпайди. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олиб, шунингдек, тарихий ашёларга бой музейимизни янада кенг тарғиб этиш мақсадида сайтимизда виртуал музей ташкил этдик. Энди ер юзининг барча ҳудудларида интернет орқали Мирзо Улуғбек музейи экспозицияси билан танишиш, аллома давридаги бунёдкорлик ишлари, XV асрда қурилган расадхона фаолияти тўғрисида маълумот олиш мумкин. Сайт ва виртуал музейдаги маълумотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, виртуал музей республика музейлари ичида биринчилардан бўлиб 3D форматида яратилди. Келгусида ундан юртимиздаги ўқув муассасаларидаги таълим жараёнларида ҳам кенг фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Хоразм вилояти

# ЮКСАЛАР КУН САЙИН ДЕҲҚОН ХИРМОНИ, ХИРМОН-ЛА ОШАДИ ЭЛНИНГ ИМКОНИ

*9 октябрь куни Президентимиз халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлар экан, хоразмлик деҳқонларнинг азму шижоатини эътироф этиб,* ***Хоразм воҳаси ўзининг кўп минг йиллик қишлоқ хўжалик маданиятига эга, ўз ишининг чинакам устаси ва фидойиси бўлган миришкор деҳқонлари айнан шу заминда ном қозонган. Вилоят фермерлари бу йилнинг ўзида 132 минг тоннадан зиёд дон етиштириб, шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажаришга ва қарийб 70 миллиард сўм даромад олишга эришганлари таҳсинга муносибдир. Шу кунларда эса, хоразмлик моҳир пахтакорлар 258 минг тонналик юксак хирмон бунёд этиш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, кўзлаган маррага тобора яқинлашмоқда,*** *дея алоҳида таъкидлаб ўтдилар.*



Ҳақиқатан ҳам, Хоразм вилоятида ер шароити оғир, тупроқ шўрланган. Бундай мураккаб шароитда деҳқончилик қилиш, юқори ҳосил олиш деҳқондан катта матонат ва меҳнат талаб қилади.

Президентимиз Ислом Каримов Хонқа туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги далаларида бўлди. Фермерлар билан мулоқотда ҳам ана шундай фикрларни билдирди.

Бугун хонқалик фермерлар ҳам истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб, юксак натижаларга эришмоқдалар. Хусусан, пахтачиликда ҳам. Жорий йил пахтачилик учун қулай келди. Давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилди. Пахтазорларда мўл ҳосил яратилди. Бу бугунги кунда – ҳосил йиғиштириб олинаётган бир даврда янада ёрқин намоён бўлмоқда. Амалдаги йилда хонқалик пахтакорлар 10755 гектар майдонга чигит қадаб, 30 минг 800 тонна "оқ олтин" етиштиришга аҳд қилишган. Ҳозирда далаларда иш қизғин. Ҳосилдорликни ошириб, катта хирмон уяётган пахтакор фермер хўжаликлари сафи кун сайин ортиб бормоқда.

– "Одамбой Жаҳонгир", "Тўти Рўзметова", "Ораста Шоҳиста" каби фермер хўжаликларида ҳосилдорлик гектаридан 40-45 центнерга етди, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ўктамбой Рўзиев. – Бу, аввало, давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик соҳасига қаратилаётган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик, берилаётган имконият ва имтиёзлар натижасидир. Бу йил об-ҳаво ҳам қулай келди. Сув мўл бўлди. Муҳими, деҳқоннинг меҳнати қадр топмоқда.

Биз Ўктамбой Рўзиев билан "Даврон" фермер хўжалиги даласида бўлдик.

Давронбек Матназаров раҳбарлик қилаётган хўжаликда жорий йилда 49 гектар майдонда ғўзанинг "Хоразм-127" нави парваришланди. Айни вақтда хўжалик режадаги 122 тонна ўрнига 200 тонна пахта топширди.

– Топширилган пахтанинг 72 тоннаси уруғлик учун қабул қилинди, – дейди фермер. – Насиб этса, терим охиригача ҳосилдорликни 50 центнерга етказамиз. Бугунги натижа учун давлатимиздан миннатдормиз. Аввало, минерал ўғит, ёнилғилардан узилишлар бўлмади. Хонадонимизда боқилаётган қорамол ва қўйларнинг ўғитидан ташқари тумандаги паррандачиликка ихтисослашган фермадан 200 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит келтириб, далага сепдик. Шу ўринда, ғўза ривожида парранда гўнги жуда катта фойда беришини айтиб ўтиш жоиз. Қолаверса, зараркунанда ҳашаротлар кўпайиши вақтида ҳавонинг ниҳоятда иссиқ бўлганлиги ҳам ҳосилдорликка ижобий таъсир кўрсатди. Уларнинг кўпайишига йўл қўйилмади. Буларнинг барчаси ҳосилдорликнинг ошишида муҳим омил бўлди.

Тумандаги "Истиқлол" фермер хўжалигида ҳам мўл ҳосил етиштирилди.

– Президентимизнинг даламизда бўлиб, йўл-йўриқ берганлари биз фермерларни ниҳоятда тўлқинлантириб юборди, – дейди "Истиқлол" фермер хўжалиги раҳбари Ҳамза Жуманиёзов. – Фермер хўжалигимиз 67,6 гектар ер майдонига эга. Давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома мажбуриятларини мунтазам бажариб келяпмиз. Мева-сабзавот, полиз етиштириш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик каби истиқболли тармоқларни ҳам йўлга қўйганмиз. Тикувчилик цехи ва новвойхонада кўплаб ёшлар иш билан таъминланган. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоқда саноатни жадал тараққий эттириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, аҳоли фаровонлигини оширишга, одамларни, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўшиши лозим. Бу сўзлар биз фермерлар учун ҳар доим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ҳа, хонқалик фермерлар ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, элу юрт ишига камарбаста бўлишмоқда. Буни биргина бугунги етиштирилган пахта ҳосилида ҳам кўриш мумкин. Қўлга киритилаётган ютуқларни янада мустаҳкамлаб, турмуш фаровонлигини янада ошириш, тараққиётга муносиб улуш қўшиш мақсадида меҳнат қилаётган хонқаликлар ана шундай шижоат билан келажакка дадил одимламоқдалар.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

# СИФАТЛИ ХОМАШЁ, СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ, СИФАТЛИ ХИЗМАТ

## ТОЛАМИЗ НУФУЗИНИ ЯНАДА ОШИРИШДА ОМИЛ БЎЛМОҚДА

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Бу жараённи пахтачиликда ҳам яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда қорақалпоғистонлик пахтакорлар пахтазорлардаги асосий ҳосилни йиғиштириб олдилар. Йиғим-терим мавсумининг қисқа фурсатларда ўтиши, энг аввало, ҳосил сифати ошишида намоён бўлмоқда.

Истиқлол йилларида пахтачиликда амалга оширилган энг муҳим ишлардан бири – ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига мос навларнинг танланиши бўлди. Бу борада селекционер олимлар томонидан амалга оширилган ишларни эътироф этиш жоиз. Оролбўйининг мураккаб иқлим шароитига мос навларни яратиш ва танлашда Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти олимларининг ҳиссаси катта.

– Селекционер олимларимиз томонидан ғўзанинг тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга, қурғоқчилик ва шўрга чидамли янги навларини яратиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, – дейди Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг илмий котиби, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ўроқбой Нағметов. – Ана шундай ишлар самараси ўлароқ, ғўзанинг янги "Чимбой-5018" ва "Дўстлик-2" навлари Қорақалпоғистон Республикаси бўйича районлаштирилди. Жорий йилда "Чимбой-5018" нави 6500 гектар майдонга, "Дўстлик-2" нави 25500 гектар майдонга экилди. Пахтачилик учун қулай келган йилдан унумли фойдаланиб, барча агротехник тадбирларни мақбул муддатларда ўтказган пахтакорлар ушбу далаларда мўл ҳосил тўплашди.

Институт олимлари томонидан яратилган пахтанинг "КК-3523", "КК-3565", ва "КК-3525" навлари давлат нав синаш шохобчаларида синовдан ўтмоқда. Олинган маълумотларга кўра, ушбу навларнинг андоза навларга нисбатан тезпишарлиги, ҳосилдорлиги ва толасининг сифати янада яхшиланган. Айни вақтда олимлар Қорақалпоғистон Республикасининг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда янги навлар яратиш бўйича ишларни давом эттиришмоқда.

Ўзбекистон пахта толасининг жаҳон бозоридаги нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётир. Бу пахта толаси сифатининг ошиши билан, жаҳон пахта бозоридаги талабга мослиги билан изоҳланади. Бу жараёнда мамлакатимиздаги пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналарида амалга оширилган кенг кўламли модернизация ва реконструкция ишлари, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг аҳамияти катта бўлди, десак муболаға бўлмайди.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги "2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги Қарорига асосан "Хўжайли толаси", "Тўрткўл оқ олтини", "Элликқалъа олтин толаси", "Беруний пахта тозалаш" корхонаси акциядорлик жамиятларида модернизация ва реконструкция ишлари олиб борилди, – дейди "Қорақалпоқпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари Муратбой Қодиров. – Мазкур корхоналарда қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида режа асосида бажарилди. Корхоналарда ишлаб чиқариш, маданий-маиший ва қуритиш-тозалаш бинолари замон талабига мос ҳолатда янгидан барпо этилди. Бундан ташқари, тайёр маҳсулотлар ва пахта сақлаш омборлари, тойларни транспортировкалаш галереяси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий технологияга мос чигит омборлари, тарозихона, лаборатория, бухгалтерия ва фермерлар хоналари ҳам янгидан қурилди. Айни кунларда барча корхоналарда жорий йилнинг ҳосили қабул қилиниб, қайта ишлаш ишлари бошлаб юборилди. Пахта тозалаш ва қайта ишлаш корхоналарида амалга оширилган кенг кўламдаги модернизация ва реконструкция ишлари жойларда иш унумдорлигининг ортиши билан бир қаторда тола сифатининг яхшиланишига ҳам хизмат қилмоқда.

Тайёрланган тола асосан Тахиатош шаҳридаги "Парвоз", Нукус шаҳридаги "Қорақалпоқ толаси" масъулияти чекланган жамиятларида сақланади, истеъмолчиларга етказиб берилади, экспорт қилинади.

– Тола терминалимизда барча шарт-шароитлар мавжуд, – дейди "Қорақалпоқ толаси" масъулияти чекланган жамияти ахборот бўлими бошлиғи Есенгелди Бекбаулиев. – Бир вақтнинг ўзида 5 минг тонна пахта толасини сақлаш имкониятига эга терминалимиз Оролбўйидаги барча пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ўтган йилда терминалимиз 26084,56 тонна пахта толасини қабул қилиб олди. Унинг 9298,37 тоннаси экспорт қилинди, 16786,19 тоннаси ички истеъмолчиларга жўнатилди. Жорий йил ҳосилидан шу кунгача 1662,16 тонна пахта толаси қабул қилинди. Шундан 874,25 тоннаси экспорт қилинди.

Сирасини айтганда, қорақалпоғистонлик пахтакорлар, пахтани қайта ишлаш корхоналари ходимлари, олимлару мутахассислар, уни истеъмолчиларга етказиб берувчиларнинг – барчаларининг мақсади бир – толамиз сифатини янада яхшилаш, унинг шуҳратини янада ошириш. Бу жараёндаги уларнинг азму шижоатига эса тасанно айтиш жоиз.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




# НАФАСНИ ҚИЛИБ РАВОН, ДАРДЛАРГА БЎЛГАЙ ДАРМОН

***Олтин кузнинг ажойиб неъматларидан ҳисобланадиган беҳини янги узилган, пиширилган ёки димланган ҳолда истеъмол қиламиз. Беҳининг кўплаб дардларга даво бўлишини ҳам биласизми? Ҳа, шундай. Пўстидан то уруғигача кони фойда бу меванинг. Жумладан, мевасининг пўсти таркибида эфир мойи бор. Шу боис, ундан тайёрланган маҳсулотлар хушбўй бўлади.***

**Халқ табобатида беҳи** қадимдан турли касалликларни даволаш учун ишлатиб келинган. Абу Али ибн Сино ўз вақтида овқат ҳазм бўлиши бузилишида ва ич кетганда ундан фойдаланишни тавсия этган. У иштаҳа очиш ва ични қотириш учун беҳи ширасига асал ҳамда сирка қўшиб берган. Беҳи мевасидан тайёрланган қайнатма халқ табобатида камқонлик ва истисқо касаллигида ҳамда сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилган. Уруғининг қайнатмаси эса ич кетиши, меъда ва ичакдан қон оқишини, қон аралаш ич кетишни тўхтатган. Қолаверса, уни камқонлик, сурункали гастрит, қандли диабет ва гипертония касалликларида (барглари, шохларининг пўстлоғини) ишлатиш тавсия этилади. Беҳи мевалари дамламаси сил, астма, яра касаллигида ҳам ичишга тавсия этилади. Шунингдек, ич дам бўлганида, одам йўталиб қон туфлайдиган маҳалларда, бачадондан қон кетаётган пайтларда ичилади. Унинг гуллари эса хавфли ўсмаларга қарши ишлатилади. Кесмасдан (бутунлигича) ичи тозаланиб, ичига асал ёки сариёғ солиб, димлаб пиширилган беҳи кўкрак оғриғи ва нафас йўллари шамоллаганда оғриқ қолдириш, кўкракни юмшатиш ва йўтални тўхтатиш учун беморга дори сифатида берилади.

**Замонавий илмий тиббиётда беҳи** меъда-ичак касалликларида (гастроэнтерит ва спатик колитда) ўраб олувчи, нафас йўллари шамоллаш (бронхит ва бошқа) касалликларида кўкракни юмшатувчи дори сифатида қўлланилади. Уруғининг қайнатмаси докага шимдирилиб (ёки бинт), терининг куйган ёки яраланган ва зарарланган жойига боғланади. Беҳидан тайёрланган гален препаратлари силлиқ мускулли органлар тонусини пасайтириб, гижжаларга қарши ишлатилади. Беҳи уруғларининг қайнатмаси ангинада томоқни чайишда, шунингдек, бадан терисини юмшатадиган восита сифатида ҳам қўлланилади.

**Акмал СОАТОВ,**
**доришунос.**

Жиззах Вилояти

# «САҲРО КЕМАСИ» ЁКИ «ЧЎЛ АПТЕКАСИ»

## АЙНИ ПАЙТДА КАТТА ДАРОМАД МАНБАИ

**МАЪЛУМОТ.** Туялар бир ўркачли ва икки ўркачли турларга бўлинади. Бўйи 2-2,5 метргача бўлиб, чўл, саҳро ва қуруқ дашт жойларда яйраб яшайдилар. Қурғоқчиликка чидамлилиги жиҳатидан ҳеч бир ҳайвон унга тенг келолмайди. Ёнтоқ, юлғун, шувоқ, шўра, каррак, ғумай сингари ўсимлик ва буталар билан озиқланади. Дон ва алоҳида ем бериб боқиш шарт эмас. Туялар 35-40 йил яшаб, 4-5 ёшлигидан бошлаб 600-700 килограммгача юк кўтаради.



**Саҳро кемаси.** Мана шу хусусияти билан туялар аждодларимизнинг дастёрлари бўлган. Қолаверса, хуштаъм, шифобахш сути ва гўшти, фойдали жун бериши туфайли кишиларда уларга нисбатан айрича қизиқиш бўлган. Айниқса, чорвадорлар туялардан жуда унумли фойдаланишган. Қаҳратон қишда бир жойдан бошқа жойга борадиган бўлишса, туя минишган, улар ёрдамида қудуқлардан сув чиқаришган, яйловларга ем-хашак ташишган. "Саҳро кемаси" деган ибора ана шундан келиб чиққан.

**Чўл аптекаси.** Энди унинг шифобахш маҳсулотларига келсак. Туя сути таркибида 5,5 фоизгача ёғ бор. Гўшти тўйимли ва баракали. Парҳезлик ва шифобахш хусусиятлари ниҳоятда катта. Сутидан тайёрланган қимрон иштаҳани очувчи восита ҳисобланади. Абу Али ибн Сино қимрон билан ўпка сили, ошқозон-ичак касалликлари, дармонсизлик-камқонлик, жинсий ожизлик ва бошқа касалликларни самарали даволаган. Ҳатто, ўт-пуфак, меъда фаолияти бузилишида беморларга "ҳазми таом" сифатида қимрон тавсия этган. Мана шу хусусияти билан туяни "чўл аптекаси" деб аташади.

**Муқояса.** Битта соғин туя йил давомида 2000–2200 литр сут беради. Ёғи ажратиб олингач, 1,5 минг литр қимрон тайёрланади. Ана шу қимрондан яхшигина даромад келади. Тахминий ҳисоб-китоб қиламиз: бир литри ўртача 10 минг сўмдан. 1,5 минг литри 15 миллион сўм бўлади. Бундан ташқари, сутидан олинган ёғни, жунини ҳам сотиш мумкин. Айниқса, ўркачининг мойи қимматли маҳсулот ҳисобланади. Негаки, у турли шамоллаш хасталиклари, суяк-бўғим, бронхит, болалар сийғоқлиги каби касалликларга даво бўлади. Туя жунининг таркибида 85 фоиз тивит бўлади. Унинг майин жуни бел ва суяк оғриқларига даволиги туфайли ота-боболаримиз ундан фойдаланишган. Ана шундай хасталиклар билан оғриган беморларни туя жунидан тўқилган газмолларга ўраб даволашган.

**Хуллас**, туялар мукаммал транспорт воситаси, шифобахш маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи манба. Шулардан келиб чиқиб, бугунги фермер ва тадбиркорлар ўз хўжаликларида чорвачиликнинг бошқа турлари қатори туячиликни ташкил этишга ҳам ҳаракат қилишса, фойдадан холи бўлмайди.

Худди **Аббос Наврўзов сингари**...

– Саломатлигим эҳтиёжи нуқтаи назаридан, бундан беш йил бурун биттагина она туя сотиб олиб, унинг шифобахш сути билан саломатлигимни тикладим, – дейди Мирзачўл туманидаги "Аббос" фермер хўжалиги раҳбари Аббос Наврўзов. – Айни пайтда гўёки ҳеч қачон хаста бўлмагандекман. Саломатлигим тикланган сайин туячиликка қизиқдим. Ва туячилик хўжалигини ривожлантирдик. Айни пайтда оила аъзоларимиз билан хўжаликда 29 бош туя боқяпмиз. Шундан 10 боши соғин туялар. Улардан ҳар куни 30-35 литр сут соғиб оламиз. Туя сутидан тайёрланган қимронни тумандаги "Аул", "Ёшлик" чойхоналарига етказиб берамиз. Қўшни вилоятларда ҳам мижозларимиз бор. Сут ҳолида ташиб кетувчилар ҳам кўпчилик.

Фермернинг сўзларидан билдикки, эндиликда туя сути ва қимронининг шифобахш хусусиятларини кўпчилик билди ва тан олди. Мирзачўл туманида эса ўтган йилдан бошлаб яна уч нафар тадбиркор туячиликни йўлга қўйишди.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

# АНОР ПИШДИ

**Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 9 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи — боғдорчиликни ривожлантириш ва соҳибкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.**


Жамшид Норқобилов (ЎзА) олган сурат.

*Суратда: фермер хўжалиги раҳбари Ибодулла Муҳаммадиев анорзорда.*

Китоб туманида боғдорчилик соҳасида бой тажрибага эга, эл дастурхонига сархил мевалар етказиб бераётган омилкор деҳқонларнинг сафи кенг. "Муҳаммадиев Азамат Жалол ўғли" фермер хўжалиги раҳбари Ибодулла Муҳаммадиев ана шундай боғбонлардан.

Асосан анор етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги боғи 9,15 гектар майдонни эгаллаган. Шу кунларда пишиб етилган анорни йиғиштиришга киришган хўжалик жамоаси ҳар гектардан 6 тоннадан ҳосил олишни мўлжаллашмоқда.

# Хожаго Хожа




**Буюк давлат арбоби, истеъдодли саркарда, шоир, тарихчи Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо — Бобурнинг дунёнинг жуда кўп жойларига пойқадами етган. Гоҳо отда, гоҳо пиёда қанчадан-қанча жойларни кезиб чиққан. Жумладан, Паркент ҳам унинг пойқадами етган жойлардан бири. "Бобурнома"да шундай маълумотнома бор: "Ҳазрати Хожаго Хожа Самарқанддан чиқиб келиб Фаркатта ўлтуриб эдилар. Фаркатта бориб Хожани кўрдим". Бобур Паркентга келганида 1501 йилнинг кузи эди...**

1501 йилнинг кеч кузида Ўратепанинг Даҳкат қишлоғида қуним топган Бобур катта хон додаси — тоғаси Султон Маҳмудхонни (у кейинроқ, яъни 1508 йилда Шайбонийхон томонидан ўлдирилган) ва қариндошларини кўргани Тошкентга келиб, шаҳарда бир неча кун туради. Шундай кунларнинг бирида у ўзидан бирикки ой кейин Самарқанддан чиқиб келган Хожаго Хожа ҳузурига боради. Бизнингча, Бобур ўзи чиқиб кетганидан кейинги юз берган аҳволни ва воқеаларни билиш, улардан тўлиқ хабардор бўлиш, балки маслаҳатлар олиш учун Ҳазрати Хожаго Хожа олдига, яъни Паркентга борган бўлиши мумкин, аммо бориши сабаблари ҳақида "Бобурнома"да ҳеч нарса дейилмаган.

Ҳазрати Хожаго Хожа ким ва у нима сабабдан Паркентга келиб ўтирган? Ҳазрати Хожаго Хожанинг кимлиги масаласида қисман жавобни ҳам "Бобурнома"дан топамиз. Аввало, бу исмми, рутба ёки унвонми? Адабиётшунос олимларимиз маълумотига кўра, "Шайх" — эга, сардор, йўл кўрсатувчи, раҳнамо демакдир. "Хожа" лақаби (кўплиги "Хожагон") ҳам худди шу маънодадир. Бу атама "Рашаҳот"да кўп қўлланилади. Маълум бўладики, тасаввуфнинг нақшбандия тариқатидаги хожагон сулукида бўлган мутасаввифларнинг раҳнамолари Хожаго Хожа деган рутбага эга бўлган. Демак, Хожа Хожагон нақшбандия тариқатининг Самарқанддаги раҳнамоларидан эканлиги маълум бўлади. Бу фикрнинг тасдиғини "Бобурнома"дан топамиз.

Маълумки, 1495 йили Самарқанд тахтини темурийлардан Абду Саид (1424-1469)нинг набираси, Султон Маҳмуд Мирзо (1453-1495)нинг ўғли Бойсунғур Мирзо (1477/78-1499) эгаллайди. Мовароуннаҳрда мўғуллар, темурийлар, шайбонийлар ҳукм сурган даврларда катта мулк ва ерларга эгалик қилган, нуфузи баланд, имтиёзлари кўп йирик ер эгалари — тархонлар билан подшоҳ Бойсунғур Мирзо ўртасида ихтилофлар чиқади. Улар 1496 йил рамазон ойида фитна уюштириб, Бойсунғур Мирзо ўрнига унинг укаси Султон Али Мирзо (1483-1500)ни тахтга кўтарадилар. "Дарвеш Муҳаммад Тархон Бухородан келиб, Султон Али Мирзони Қаршидан келтуруб, Боғи Навга келдилар. Бойсунғур Мирзо Боғи Навда эди. Бойсунғур Мирзони тутқун йўсунлик қилиб, навкар, савдардан айириб аркка келтурдилар. Кеч намоз дигар Бойсунғур Мирзони Кўк саройга чиқарур хаёл қилдилар"[1].

Ўша давр тартибларига кўра, Кўк саройга чиқариш қатл этиш, кўзга мил тортиш ёки бошқа жазони назарда тутар эди. Бобур ёзганидек, Бойсунғур Мирзо таҳорат қилмоқ баҳонаси билан қочади, "об мўри билан чиқиб, дутаҳий фасилидан, ташлаб Хожа Кафширга, Хожаго Хожанинг уйига бордилар... Тонгласи тархонийлар йиғилиб, Хожаго Хожанинг эшигига борурлар. Хожа, йўқдур деб бермас. Булар ҳам зўр билан ола билмаслар. Хожаларнинг жанобини андин олий эдиким, зўр қила олғайлар эди. Бир-икки кундан сўнг Хожа Абдулмакорим ва Аҳмад Ҳожибек ва яна баъзи бек ва бекот, сипоҳилар ва жамиъ шаҳр эли ҳужмиом қилиб, Хожанинг уйидин Мирзони келтуриб, Султон Али Мирзони ва тархонийларни аркта қабадилар"[2].

Исёнчиларнинг кўпи қочиб кетади, лекин фитначилар бошлиғи Дарвеш Муҳаммад Тархон ва Султон Али Мирзо қўлга тушади.

Кўрамизки, барча машойихлар каби хожагон ҳам жамиятда, халқ орасидаги юксак мавқеидан фойдаланиб, тахт учун ўзаро урушлар олиб борган шаҳзодалар ўртасидаги низоларни бартараф этишга ҳаракат қилганлар. Гарчи тасаввуф арбоблари давлат ишларидан, сиёсатдан узоқ туришни афзал билган бўлсалар-да, улар эл-юрт, фуқаролар манфаатини кўзлаб, сиёсий воқеаларга фаол аралашишга мажбур бўлганлар, кўп ҳолларда подшолар, хон-беклар уларни ўз пирлари сифатида қадрлаганлар.

Шуниси диққатга сазоворки, Хожаго Хожанинг уйи Хожа Аҳрор Валий яшаган Хожа Кафшир маҳалласида бўлган. Улар бир-бирларини танимаган бўлишлари мумкин эмас. Балки иккаласининг бир музофотдан эканлиги уларни янада яқинлаштирган бўлиши мумкин. "Бобурнома"да келтирилган воқеалар юз берганда Хожа Аҳрорнинг вафот этганига олти йил бўлган эди. "Жанобин андин олий" бўлган, қуролли сипоҳлар зўрлик ўтказа олмаган Хожаго Хожанинг шаҳар ҳаётида, халқ орасида таъсири ва нуфузи жуда юқори бўлган, деб айтишга асослар бор.

Хожаго Хожа Бобур билан учрашувдан кейин, балки замона бир қадар тинчиган ёки Бобур Самарқанд тахтини учинчи марта қўлга киритганидан кейин (1511 йил, октябрь) Паркентдан Самарқандга қайтиб кетган ва ўша ерда вафот этган.

Мустақилликнинг биринчи йили — 1991 йилда тарихчи, муфтий Абу Тоҳирхожа Самарқандий (1874 йилда вафот этган)нинг Самарқанд шаҳрининг тарихига бағишланган "Самария" (1844-48 йилларда ёзилган) асари биринчи марта ўзбек тилида босилиб чиқди.

Унда Самарқанд тарихига оид жуда кўп маълумотлар билан бирга шаҳарда XIX асрнинг 3-чорагига қадар сақланиб қолган осори атиқалар, масжидлар, мадрасалар, қўшклар, мозорлар ҳақида ҳам маълумот беради. Китобда машҳур тарихий шахсларнинг дафн этилган жойи билан бирга уларнинг ҳаётига доир ахборотлар ҳам кўп. Асарнинг IX боби "Самарқанд ва унинг атрофидаги сербаракот мазорларнинг аломатлари ва уларнинг номлари баёни ва машҳур сифатлари тўғрисида" деб номланади. Шу бобда 90 га яқин мозор ҳақида маълумотлар келтирилади. Масалан: "Солиҳлар қутби, яхшиларнинг суянчиғи ҳазрат Хожа Убайдулло Аҳрор, сирлари муқаддас бўлсин, мазори шаҳар ташқарисида, ундан икки чақирим чамаси узоқдадир", деб ёзади муаллиф ва Хожа Аҳрорнинг ижтимоий мавқеи, таржимаи ҳолига оид энг муҳим маълумотларни келтириб ўтади. Шу тарзда машҳур шахсларнинг мозорларига тавсиф бериб, "Самарқанд туманларидаги мазорлар бўлими"да шаҳардан ташқари, шаҳар музофотидаги мозорлар тўғрисида маълумот беради, жумладан, "15. Хожаи Хожаго мазори. Қавола маҳалласида, Самарқанд намозгоҳининг кунчиқар томонидадир. Унинг таржимаи ҳоли белгили эмас", деб ёзади.

Мухтасар айтганда, Хожаго Хожанинг "белгили бўлмаган" таржимаи ҳолига оид айрим маълумотларни, мана, "Бобурнома"дан топдик. Тарихда Бобур каби шахслар "Ҳазрат" деб атаган, XVI аср охирида Самарқанднинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида муҳим мавқе эгаллаган, хожагон сулукининг раҳнамоси бўлган кишининг беиз кетиши мумкин эмасдир.

**Султон ХОЛНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

[1] "Бобурнома", 94-бет.
[2] "Бобурнома", 95-бет.




Тонг отди. Поезд шитоб билан Бухорога яқинлашмоқда. Самад пешонасини вагоннинг совуқ ойнасига босди. Кўз ўнгида улуғвор манзара жонланди. Уфқни Қуёш ҳафсала билан алвон рангга бўямоқда. Унинг илк нурлари Тўдакўлда жилваланди.

Самад алвон тўлқинларга тикилар экан, "Қирқ йил шу йўлда қатнаб, Тўдакўл офтобнинг илк нурларини қандай симиришини кўрмаган эканманда", дея ўйлади.

Ҳар доим шундай, Бухорога яқинлашди дегунча, кўнгли алланечук бўлиб, ўзини ёш боладек ҳис этади.

Уйга яқинлашар экан, анчадан бери йўқламай қўйгани учун отасидан қандай кечирим сўрашни, нималарни баҳона қилишни ўйларди.

Самад қия очиқ дарвозадан ҳовлига мўралади. Супада ҳеч ким кўринмади. Юраги увишиб, ичкарига қадам ташлади... Онаси ҳаёт бўлганида, доимо ўзи кутиб олар, бағрига маҳкам босиб кўришар, келини, невараларини суриштирар, андаккина оби дийда ҳам қиларди.

Шуларни ўйлаб, каловланганича супани кесиб ўтиб, отаси истиқомат қиладиган хона эшигига яқинлашганида ҳам уни ҳеч ким пайқамади.

Самад қўлидаги лаш-лушларини ерга қўйиб, эшикни секин очиб, ичкарига кирди.

Мушткеккина бўлиб қолган отаси ухлаб ётарди. Унинг тонгда намозини ўқиб, мол-ҳолларига қарагач, яна бироз мизғиб оладиган одати бор.

Самад дунёда ўзи учун энг азиз инсонни уйқусида бир муддат кузатиб турди.

Чолнинг юзи нурли, оппоқ соқоли ўзига ярашиб турарди. Лекин ўтган бир йилда ўзини хийла олдирибди.

Самаднинг юраги зирқираб кетди, "уф" тортди. Секин йўталиб, овоз берди: "Ота, отажон, туринг мен келдим!" Олтмишни қоралаган ўғил "Отажон!" дер экан, неваралари унга "Бобожон" дегандагидек роҳатланарди.

Қари одамлар қуш уйқу бўлишади. Отаси уйғонди, тепасида кенжа ўғлини кўриб, юзига табассум ёйилди. Ўғлини бағрига босди, кўзлари намланди, ориқ елкалари титраб кетди.

Ота-ўғил бир муддат қучоқлашди. Ўғил отасини оғушидан бўшатгиси келмас, ўзини 5-6 яшар боладек ҳис қилар, пушти паноҳи ёнида ўзида тоғни талқон қилгудек куч ҳис этарди.

Кўп ўтмай унинг келганидан хабар топган акаси, янгаси, жиянлари хонани тўлдиришди. Ота дуога қўл очди. Самад келтирган совға-саломларини улашди. Совғаларнинг энг яхшиси, албатта, отасига эди.

— Мана, бу — иссиқ ич кийим. Кийиб олинг, қиш яқин. Буниси, Қўқонда ишланган калиш-маҳси, — деди Самад отасининг елкасидан қучиб.

— Бекорга овора бўлибсан-да, мен яқиндагина олиб берган эдим, — деди акаси иймангандек.

Хотини уни секингина туртди. "Қўяверинг, ҳар кимнинг совғаси — ўз йўлига. Шунча жойдан кўтариб келибдилар, раҳмат денг!"

Самад қишлоқда бир ҳафтача қолиб кетди. Қариндош-уруғ, қуни-қўшни, дўстлариникида меҳмон бўлди. Улар билан тонготар суҳбат қурди.

Вақт шафқат билмайди. Тошкентга жўнайдиган кун келди.

Самад йўл тараддудини кўраркан, отасининг суҳбатига тўёлмаганидан афсусланарди.

Кечга томон Самад ҳамма билан хайрлашиб, темир йўл бекати томон йўлга чиқаётганида, отаси чоғроққина қопни машина юкхонасига жойлай бошлади. Самад қўл силтаб, қаршилик кўрсатса ҳам, унамади. "Бу сенга эмас, келиним, невараларимга арзимас мева-чева", деди чол эътирозга ўрин қолдирмай.

* * *

Поезд Тошкент вокзалига кириб келганида, Қуёш ўзининг илк нурларини сочмоқда эди. Самаднинг кўнглидан "Бухорога офтобнинг илк нурлари билан кириб борган эдим, Тошкентга ҳам Қуёш чиққан пайтда етиб келяпман..." деган ўй ўтди.

У отаси бериб юборган қопни елкалаб, қўлида жомадон билан такси излай бошлаган эди, бирдан кўзи таниш чеҳраларга тушди. Қаршисида катта ўғли Қодиржон ва невараси Собиржон жилмайиб турарди. Ўғли қопни орқалади, невара бобосининг жомадонини қўлига олди.

— Менинг бугун келишимни қаердан билдинг? — деди ўғлига, юки енгиллашганидан мамнунлигини яширолмай.

— Жуда қизиқсиз-да, дада, — жилмайди Қодиржон, — ахборот асрида шу ҳам муаммо бўлибдими? Амакимнинг қўл телефонларига қўнғироқ қилгандим, қачон поездга чиқишингизни айтдилар... Сиз бўлсангиз, ташвишга қўймай деб, қачон келишингизни айтмайсиз...

Самад ўғли, неварасининг нурли чеҳраларига боқди. Уларни секин қучиб, бағрига босди. Бухорода отаси билан учрашгандагидек ҳолатга тушди, кўнгли ийиб, кўзлари намланди.

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Навоий шаҳар ҳокимининг 2012 йил 4 сентябрдаги Қ-684/09-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари танловга қўйилмокда:**

**1.** Қурилиш моллари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, Навоий шаҳар "Навоийазот" ОАЖ ва "ГМЗ-1" корхоналари оралиғи 2-зона ҳудудида жойлашган 2 дона 2400 кв.м.дан иборат 12 ва 19-сонли ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 642 000 сўмдан.

**2.** Қурилиш моллари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, Навоий шаҳар "Навоийазот" ОАЖ ва "ГМЗ-1" корхоналари оралиғи 2-зона ҳудудида жойлашган 2 дона 3000 кв.м.дан иборат 5 ва 38-сонли ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 2 052 000 сўмдан.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Навоий шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган тумансозлик топшириғи асосида белгиланади. Тумансозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2014 йил сентябрь ойига қадар бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 12 ноябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Навоий шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 13 ноябрь куни соат 11:00 да очилади ва шу куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 13 ноябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 29 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 28 ноябрь куни соат 18:00.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Навоий шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 29 ноябрь куни соат 11:00 да очилади ва шу куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

**Танлов ташкилотчиси** – "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Навоий вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Навоий вилояти Навоий ш. П.Очилов кўчаси 24-уй, Навоий вилояти Давлат мулкини бошқариш бошқармаси биноси. Тел/факс: (8-376) 224-15-61, 224-44-01. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. **Лицензия** № RR 0001.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТИБ "Ипотекабанк" Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007. МФО:00205, СТИР: 207122519,

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил:: Навоий ш. П.Очилов кўчаси 24-уй.

Мурожаат учун тел: (8-436) 224-44-01, 224-15-61.

**Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз: (+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

**«Ko`chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади. Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.**

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ

### БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 13 ноябрь куни соат 11:00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Когон туманлараро судининг 05.08.2011 йилдаги ижро ҳужжатига асосан хатланган, Бухоро шаҳар "Глобал" МЧЖ биносида сақланаётган, 2009 й. и/ч "Матиз" русумли, д/р 80 693 ВАА, ранги сиёҳранг, бошланғич баҳоси 19 009 600 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмокда.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Мазкур автотранспорт воситаси биринчи савдо куни, яъни 2012 йил 13 ноябрь кунида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 га қадар Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават Вилоят Давлат мулки бошқармаси биносида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари ушбу бинонинг 4-қаватдаги савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда (ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) закалат пулини "Universal auktsion invest" МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг "Турон банк" Бухоро вилояти филиалидаги МФО: 00111, СТИР: 302083379, 20208000004932168017 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш манзили: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10 уй (Давлат мулк қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси).

### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 26 октябрь куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида такроран ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Поп тумани судининг 11.07.2012 йилдаги 1/134-сонли ижро варақасига асосан суд ижрочилари Поп тумани бўлими томонидан хатланган, 2011 й. и/ч "Дамас" русумли, д/р 01 D 847 JA, бошланғич баҳоси 24 983 100 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмокда.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00дан 17:00га қадар Вилоят давлат мулки бошқармаси биносининг 15-хонасида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан 1 (бир) кун аввал соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Наманган шаҳар, Банк кўчаси, 9-уй, 15-хонада ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган "Закалат пули тўғрисидаги келишув"га асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги (ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖ Наманган филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Наманган бўлими МФО-00223, СТИР 302083379, 20208000104932168005 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш манзили: 160100, Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, 1-қават, 15 хона. Тел/факс: (8 369) 226-41-66.

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 14 ноябрь куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Андижон шаҳар, Шимолий саноат даҳасида жойлашган Андижон шаҳар "2508-автосафи" ДУКга қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади: 1989 й. и/ч "ЗИЛ-431610" русумли, д/р 17 АК 631, бошланғич баҳоси 4 103 055 сўм; 1989 й. и/ч "ЗИЛ-431610" русумли, д/р 17 AL 631, бошланғич баҳоси 4 305 632 сўм; 1988 йилда и/ч "ЗИЛ-431610" русумли, д/р 17 AL 633, бошланғич баҳоси 4 896 295 сўм; 1989 й. и/ч "ЗИЛ-431610" русумли, д/р 17 АР 614, бошланғич баҳоси 4 291 575 сўм; 1988 й. и-ч "ЗИЛ-431610" русумли, д/р 17 AL 719, бошланғич баҳоси 5 079 795 сўм, 1990-й. и/ч "ЗИЛ-4331" русумли, д/р 17 AL 040, бошланғич баҳоси 4 378 037 сўм, 1985 й. и/ч "АСГ, ЗИЛ, ММЗ-4502" русумли, д/р 17 АК 329, бошланғич баҳоси 4 049 863 сўм, 1990 й. и/ч "ЗИЛ-431610" русумли, д/р 60 034 КАА, бошланғич баҳоси 5 164 314 сўм, 1984 й. и/ч "ЗИЛ-138А" русумли, д/р 60 051 КАА, бошланғич баҳоси 5 442 113 сўм, 1982 й. и/ч "КАМАЗ-35320" русумли, д/р 60 079 КАА, бошланғич баҳоси 6 996 667 сўм, 1990 й. и/ч "ГАЗ-2411" русумли, д/р 17 AG 431, бошланғич баҳоси 1 004 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари 2012 йил 14 ноябрдаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспортларни сотиш юзасидан такрорий савдо ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида сотувчи билан транспорт воситаси олди-сотди шартномаси тузади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Андижон шаҳар, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй 106-хонада ўтказилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар автотранспорт бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion invest" МЧЖ Андижон вилояти филилалининг "Асака банк" ОАЖ Андижон вилояти филиалидаги МФО: 00069, ИНН: 302083379. 20208000204932168006 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш манзили: Андижон шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 106-хона. Телефон: (+99 891) 124-57-64.

### ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Ҳукуматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилояти минтақавий филиалига қарашли 1996 й. и/ч "Мерседец-Бенц" русумли, д/р 10 276 ТАА бўлган автотранспорт воситаси балансда ушловчининг 2012 йил 25 сентябрдаги 181-сонли хатига асосан "Universal Auktsion Invest" МЧЖнинг аукцион савдоларидан олинди. Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент ш., Ҳамза т., Истиқбол-15. Тел: 236-74-67.

***Гувоҳнома № 004059***

---

Тошкент ш. Миробод т. ТСРЎИдан (23.01.2007 й., реестр № 002308-03) рўйхатдан ўтган "TESKO SERVIS PLUS" МЧЖга (ИНН 206836262) тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

---

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИдан (18.03.2011 й., реестр № 004321-01) рўйхатдан ўтган "NEW VITA LINE" МЧЖга (ИНН 301904313) тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

---

Утерянный диплом № 073479, выданный 27.12.1995 г. Ташкентским Фармацевтическим институтом на имя Рузметова Бобира Бахадировича, считать недействительным.

---

Тошкент ш. М.Улуғбек т. ТСРЎИда (21.07.2011 й., реестр № 006705/04) рўйхатдан ўтган "ESA Business and Consulting" МЧЖ (СТИР 302061825) таъсисчиларнинг 08.10.2012 й.даги 3-сонли Баённомасига кўра тугатилади. Талаблар бўйича 2 ой мобайнида М.Улуғбек т. М-1, 32-27-уй манзилига мурожаат қилиниши мумкин. Тел.: 134-32-38.

---

Утерянный патент № 1005335, выданный Учтепинским ГНИ от 11.11.2011 г. на имя Джураева Абдурахима Юлдашевича, считать недействительным.

---

СП ООО "ARENA HOLDING GROUP" (ИНН 300453608), зарегистрированное МЮ РУз (№4329, 09.07.2009 г., реестр № 1017) заявляет об изменении наименования предприятия на "ARENA INTERNATIONAL", изменении почтового адреса на г. Ташкент Чиланзарский р-н ул. Бунёдкор 57 и уменьшении уставного фонда предприятия с 205 517,75 долларов США до 167 517,75 долларов США (Основание: Решение Учредителей от 10.10.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с даты опубликования объявления по тел.: 148-56-56 (57; 58), факс: 279-00-49.

---

Тошкент ш. Олмазор (собиқ С.Раҳимов) туман Ҳокимияти ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "DILMUHID-SAVDO" ХК Устав фонди 4 274 988 сўмдан 2 606 776 сўмга камайишини маълум қилади.

---

ООО "AVTOMOBIL EHTIYOT QISMLARI" (ИНН 301006354), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского р-на г. Ташкента (реестр № 004332-10 от 17.12.2008 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Микрорайон ТАШГРЭС д. 20 кв-ра 39, ликвидируется (Протокол № 1 от 09.10.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.



# Гапиришингдан қўрқаман

**"Ҳеч нарсадан қўрқмайдиган инсон бахтли" деган эди донишмандлардан бири. Мен ўйланиб қолдим ва дунёда бахтли инсонлар жуда кам топилса керак, деган фикрга келдим. Чунки суҳбатлашган инсонларим қачонлардир қўрқишган, ҳозир ҳам нимадандир қўрқишади. Кимдир сичқондан, кимдир илондан, кимдир яна бошқа нарсалардан...**

Мен эса бир одамни кўришдан қўрқаман. Йўқ, у бадбашара эмас, сичқон, илонга умуман ўхшамайди. Лекин шундай гапирадики, ҳар бир сўзи илон чаққандек таъсир қилади, сичқондек чийиллаб миянгни кемиради. Йўқ, у яхши инсон, фақат — гапирмаганда. Аммо у гапирмаса, умри қисқарармиш. Афсуски, гапирса суҳбатдошининг умрини қисқартиради...

Бир сафар мақолам чиққан газетани қўлтиқлаб, хурсанд ҳолда келарканман йўл четида кўзларини поёндоз қилиб ўтирган экан. Ўзимни минг мажбурлаб табассум қилганча салом бериб, ўтиб кетаётсам, имлаб ёнига чақирди.

— Ҳа, қизалоқ, қайдан келяпсан?

— Газетада мақолам чиқибди, ўшани...

— Ҳай-ҳай, мақола ёзаман дегин, қани берчи. "Интернет хабарлари". Бу нима дегани.

Энди тушунтирмоқчи бўлгандим, у яна гап бошлаб қолди.

– Сен ундан кўра маҳалладаги янгиликлардан ёзсанг бўлмайдими? Ёнимга ўтир, Холиданинг уйида нималар бўлганлигини айтиб бераман.

— Шошилиб тургандим, — дедим бошимни қашлаб.

— Қаерга шошиласан, бекорчи ишларингдан кўра бу қизиқроқ.

— Муҳим ишим бор эди.

— Қўшнингнинг уйида нима бўлганлигини билмай, яна муҳим ишим бор дейсанми?

— Биламан, қизини узатгани ҳақида айтмоқчидирсиз-да.

— Йўқ, бу икки кун аввалги воқеа.

"Янгилигини" айтмагунча қўйиб юбормаслигини билиб, ёнига чўккаладим.

— Хўш, нима бўлибди?

— Эрталаб ўйғонсам, қаттиқ шовқин эшитилди. Ташқарига чиқдим, овоз Холиданинг уйи томондан келаётган экан. Югуриб бордим, аммо ичкарига кирмадим. Усиз ҳам ҳаммаси аниқтиниқ эшитиларди. Эр-хотин қизини эрга бериш масаласида жанжаллашарди. Чунки қизининг кўнгли бошқада. Холида буни биладი. Ўктам эса бошқа оила билан келишиб қўйган.

— Ҳа, унақаси бўлиб туради.

Мен давомини эшитгим келмади. Ўрнимдан турмоқчи бўлгандим, у яна эгнимдан босди.

— Эргашни бизнинг ишхонадан нимага ишдан бўшатишганини биласанми?

— Эшитмаган эканман.

— Вой, қанақанги журналистсан?! Дунёнинг янгилигидан қуруқ қолибсану, қаердаги интернет хабарларини йиғиб юрибсанми?

Тишларим ғижирлаб кетмаслиги учун тилимни тишладим.

— У тунов куни ишхонадан катта қопда нимадир кўтариб келди. Ҳайрон бўлдим. Чунки ҳар доим кичкина сумкасидан бошқа нарса кўтариб келмасди, яна одатдагидан кеч қайтди. Бошлиқнинг олдига бордим.

— Яқин орада нимадир йўқолмаганмиди?

— Ҳа, йўқолган, — деди бошлиқ, — хонамдаги шахсий компьютерим йўқолди.

— Уни Эргаш ўғирлади, — дедим ва буни мен айтганимни сир сақлашни илтимос қилдим. У менга азиз буюмининг дарагини етказганим ва ўғрини топгани ёрдамлашганим учун бирмунча пул ҳам берди.

— Масала аниқ бўлмай туриб, уни ишдан бўшатгани ёмон бўлибди.

— У қаматиб юбормаганига шукр қилсин. Қиларини қилиб, айбини тан олмади ва бошлиқ билан қўпол муомалада бўлди.

— Балки ростдан ҳам у ўғирламагандир.

— Қанақанги журналистсан ўзи. Танганинг иккинчи томони бор. Сен фақат бир томонини кўрар экансан.

Бу сўзни қайси маънода ишлатганини тушунмадим ва яна сабр қилишимга тўғри келди. Бошим ёмон оғриганидан, унинг баъзи сўзларини эшитмадим ҳам. У маҳалладаги Темур ака, Жамила хола, Собирнинг қизи Нилуфар, хуллас, яна кимлардир ҳақида узоқ гапирди.

Охири менинг ҳаётим ҳақида тўхталганида бир силкиниб ўзимга келдим.

— У куни йигитинг билан бозор дарвозаси ёнида кўриб қолдим.

— Вой, холажон, у менинг акам эди-ку?

— Қўйсангчи, уялма, эрга тегиш ёшига етдинг. Ўзингга мос йигит топишинг керакку, афтидан у ҳам шаҳарлик, бирга ўқисанглар керак.

— Нималар деяпсиз, у акам деяпманку.

— Ҳа, ёқмай кетсин. Шаҳарда ўқийсан, ким билади ҳар куни нечтаси билан учрашиб юрганингни. Бечора Анвар йўлларингга кўз тикиб ўтирадию, сен бўлсанг шаҳардан қайтгинг келмайди. Бир балоинг бор-да.

Устимдан кимдир муздек сув қуйгандек бўлди. Туҳмат юкининг оғирлигидан кўзимдан аччиқ ёш чиқди. Ўрнимдан сапчиб турдиму уй томон чопиб кетдим.

Бу жодугар Анвар билан бир-биримизни яхши кўришимизни қайдан билади?! Демак, у кўпчиликка мени бозор дарвозаси ёнида бир йигит билан кўрганлигини ва яна нималарнидир қўшиб-чатиб айтган.

Орадан анча кун ўтиб, Холида холанинг қизи эридан қайтиб келди. Унинг чакаги тинмайдиган бўлди. Бошлиқнинг эса компьютери топилди. Жияни ўйин ўйнаётиб, уни бузиб қўйибди ва амакиси билмасдан тузатгани устага бериб юборган экан. Эргаш яна ишга қайтди, аммо маҳаллада нимадир йўқолса, ҳамма унга шубҳаланиб қарайдиган бўлишди. Бизнинг ҳам севгимиз туҳмат тўфонларига дош беролмай, чилпарчин бўлди...

Эҳ, маҳалламизни яна қанча фалокатлар кутаётган экан. Бунинг олдини олмасам бўлмайди дедим ва "жодугар" билан гаплашишга қарор қилдим. Излаб борсам, уйида йўқ экан. Ҳар доимгидек кўча бошидан топдим.

— Ҳа, хола, Эргаш ҳақидаги башоратингиз ёлғон чиққанидан уялиб қолмадингизми?

— Мен эмас, бошлиқ ёлғон гапирди. Хонасидаги компьютерни қайга кетганлигини билмайдиган инсон бўладими? Қариганидан эси кирди-чиқди бўлиб қолибди унинг.

— Лекин сиз билиб-билмай Эргашни ўғри дегандингизку?

— Ҳа, у ўша куни нимадир ўғирлаб келди. Нималигини аниқламагунча қўймайман. Менга ишонавер, бунинг тагига етаман ҳали.

Гап сотиш ўзимга зарарлигини сезиб, хайрлашдим. Анча юргандан кейин у орқамдан қичқирди:

— Мабодо маҳалламиз ҳақида ёзмоқчи бўлсанг, тўғри олдимга келгин...

Нимадир демоқчи бўлдиму, ўйланиб қолдим. Айтмаганим дуруст. У чивиндан фил ясаши мумкин.

Негадир ўшандан буён ҳар бир гапни ўйлаб гапиришни, ҳар бир ишни пухта қилиш кераклигини ҳис қилдим. Ортиқча гап "узун қулоқлар" ёрдамида бутун маҳаллага, ундан кейин дунёга ёйилиши мумкин. Чунки эшик орқасида у бор.

**Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА**




(15 октябрь - 21 октябрь)

## ҚЎЙ (21.03 — 20.04)



Сиз ўта меҳнаткашсиз. Муаммоларга ўзига хос ечим топа оласиз. Бу ғайрату шижоатингизга ҳамманинг ҳаваси келади. Келаётган ҳафтада бетакрор қобилиятингиз билан яна бир бор барчани лол қолдирасиз.

## БУЗОҚ (21.04 — 20.05)



Ҳафта давомида янги ғоялар юзасидан ҳамкорларингиз билан муҳим учрашувлар ўтказасиз. Молиявий масалаларда бироз эътиборлироқ бўлишингизни маслаҳат берамиз. Кутилмаган таклифларга тайёр туринг.

## ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)



Ушбу ҳафтада яқинларингизнинг меҳр-муҳаббатидан қадрлироқ ҳеч нарса йўқлигига амин бўласиз. Бу сизга яна куч-ғайрат бағишлайди. Ҳафта сўнгида сизни яхшигина даромад кутмоқда.

## ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)



Ҳафтанинг ҳар бир куни сиз учун унутилмас тасодифларга бой бўлади. Омад қуши қўлингизда. Барчаси кўнгилдагидек бўлсин десангиз, бироз эътиборли ва масъулиятли бўлишга ҳаракат қилинг.

## АРСЛОН (23.07 — 23.08)



Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юришни бас қилиб, уй-рўзғор, хўжалик юмушларига ёрдамлашинг. Танингиздаги қон бироз юришади. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказишга ҳаракат қилинг.

## ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)



Атрофдагиларнинг майда-чуйда гапларига эътибор бермасликка ҳаракат қилинг. Жамоатчиликка янги ғояларингизни намойиш қилиб, сиз ҳақингизда шунчаки билдирилган фикрларни ўзгартириш пайти келди.

## ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)



Чарчаганда ҳам бўлар-бўлмасга асабийлашиш, асоссиз шубҳаларга бориш ярамайди. Бу соғлиғингизга жиддий таъсир кўрсатади. Нима бўлганда ҳам ўзингизни, тўғрироғи, соғлиғингизни асрашга ҳаракат қилинг.

## ЧАЁН (24.10 — 22.11)



Сиз аслида кўп ишга қодирсиз. Аммо сизда ўзингизга бўлган ишонч етишмайди. Шу боис, доим бирор нарсадан ҳадиксираб турасиз. Ўз кучингиз ва имкониятларингизни ишга солиб ҳаракат қилишни маслаҳат берамиз.

## ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)



Сизга билдирилган ишонч ва эътибордан ҳаволаниб кетмаганингиз маъқул. Яхшиси, ҳали ечимини кутаётган муаммоларингизни бир ёқли қилинг. Баҳс-мунозараларга вақтида бироз ён беришга ўрганинг.

## ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)



Сиз фақат ўз куч ва имкониятларингизга таянаман десангиз чарчаб қоласиз. Зарур бўлганда атрофдагилардан маслаҳат ва ёрдам олинг. Шунда бошлаган ишингизни тезда якунига етказасиз.

## ҚОВҒА (21.01 — 20.02)



Бу ҳафтада иш фаолиятингиздаги кетма-кет топшириқлар бироз толиқтирса-да, яхшигина даромаддан кўнглингиз кўтарилади. Раҳбарингиз ва ҳамкасбларингиз билан муносабатларингиз янада яхшиланади.

## БАЛИҚ (21.02 — 20.03)



Кутилмаган гап-сўзлардан асабийлашманг, ўзингизни хотиржам тутишга ҳаракат қилинг. Чунки ҳақсиз, сизни ёқлаб чиқувчилар кўп. Дам олиш кунлари мириқиб ҳордиқ чиқариб, янги иш кунларига тайёрланинг.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар:
236-58-83,
233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: Ш.ЙЎЛДОШЕВ
Мусаҳҳиҳ: Н.ҲОТАМОВА
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1014, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.00
15556 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
2 3 4 5